

Бақара сураси, 101-оят

12:10 / 27.10.2017 3704

Аллоҳнинг ҳузуридан улардаги нарсани тасдиқловчи Расул келганда, китоб берилганлардан бир гуруҳи худди билмагандек, Аллоҳнинг китобини ортларига қараб отдилар. Бақара 101.

«**Аллоҳнинг китоби**» Таврот бўлиши мумкин, чунки унда Муҳаммад алайҳиссаломнинг Пайғамбар бўлиб келишлари ҳақида башорат бор. Уларнинг Тавротдаги башоратни тан олмаганлари «китобни ортларига қараб отиш» деб васф этилмоқда. Айти чоғда, у китоб Қуръони Карим ҳам бўлиши мумкин, чунки яҳудийлар уни ҳам қабул қилмадилар. Оятнинг яҳудийларни «**китоб берилганлар**» деб сифатлаши ҳам уларнинг бу қилмишларининг қабоҳатини оширади: улар Аллоҳдан келган ваҳийга, илоҳий китобга эга бўла туриб, шундай қилишди. Шу ўринда, агар мушрик бўлиб, жоҳил халқ бўлганларида ҳам бошқа гап эди, деган мулоҳаза пайдо бўлади.

Инсон ўзи энг ёмон кўрган нарсани «ерга тушганидан кейин ҳам кўзимга кўринмасин», деб орқасига отади. Яҳудийларнинг Таврот ва Қуръонга бўлган муносабатлари шунга ўхшатишмоқда. Хўш, улар бу илоҳий ҳидоятларни қўйиб, нимага эришдилар, нимага эргашдилар?